

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЕВ АРТЁМ ЮРЬЕВИЧ

**СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРНИНГ ҲУЖАЙРАЛАРИДА НООРГАНИК
ПОЛИФОСФАТЛАРНИНГ РЕГУЛЯТОРЛИК
ВА МЕТАБОЛИК РОЛИ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Баев Артём Юрьевич**

Сут эмизувчиларнинг хужайраларида ноорганик
 полифосфатларнинг регуляторлик ва метаболик 3
 роли.....

Баев Артём Юрьевич

Регуляторная и метаболическая роль неорганических полифосфатов
 в клетках млекопитающих..... 21

Baev Artyom Yurevich

Regulatory and metabolic role of inorganic polyphosphates in
 mammalian 39
 cells.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЕВ АРТЁМ ЮРЬЕВИЧ

**СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРНИНГ ҲУЖАЙРАЛАРИДА НООРГАНИК
ПОЛИФОСФАТЛАРНИНГ РЕГУЛЯТОРЛИК
ВА МЕТАБОЛИК РОЛИ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/B85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмухамедов Бекжан Айбекович**
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Мерзляк Пётр Григорьевич**
биология фанлари доктори

Камбурова Венера Сейтумеровна
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63, e-mail: asrarov54@mail.ru)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш.У.Турдикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда охириги йилларда сут эмизувчиларини хужайрасида ноорганик полифосфатларнинг (поли-Ф) ролини аниқлашга қизиқиш ортди ва буларга бағишланган илмий ишлар кўпайиб бормоқда. Поли-Ф дастлаб XIX асрда аниқланган бўлишига қарамасдан, унинг сут эмизувчилар хужайраларидаги роли ҳақида аниқ тшунчалар бор-йўғи бундан 12–14 йил пайдо бўлди. Ушбу давр давомида поли-Ф кўпгина физиологик ва патофизиологик жараёнларда иштирок этиши ва хужайраларнинг ҳаёт фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланиши кўрсатиб берилган. Ҳар хил касалликлар кечишидаги иштироки алоҳида қизиқиш уйғотади. Ҳар хил юрак-томир ва нейродегенератив касалликлардаги поли-Ф метаболизми ўзгириши кўрсатилган, аммо бу патологияни сабаби ёки натижаси эканлиги аниқланмаган.

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб янги самарали дори воситаларини яратиш стратегияси меъёр ва патологиядаги хужайра фаолиятидаги молекуляр механизмларнинг фундаментал билимларга асосланади. Бир қатор сўнгги манбаларда митохондрия мегаканали (РТР) фаоллашувида, шунингдек кальций ионларини транспортида поли-Ф ларнинг иштироки кўрсатилган. РТР нинг назорат қилинмаган фаоллашуви ва кальций ионларининг ноқулай транспорти турли касалликларда хужайра ўлимига олиб келиш кўрсатилган. Шунга мувофиқ, турли хил физиологик жараёнларда ишлайдиган поли-Ф молекуляр функцияси механизмларини аниқлаш, РТРнинг назоратсиз фаоллашуви ёки кальций гомеостазининг бузилишига боғлиқ касалликларни, шунингдек турли юрак-томир ва нейродегенератив касалликларни даволаш, реабилитация қилиш ёки ташхислаш билан боғлиқ муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юрак қон-томир ва нейродегенератив касалликларни даволаш учун ижобий таъсирга эга, импорт аналогларнинг ўрнини босадиган ички дори маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида, муайян натижаларга, маҳаллий хом-ашёлардан самарали доривор воситаларни излаб топиш ва яратиш борасида маълум натижаларга эришилди. Бу борада янги фармакологик агентларни яратишда, патогенез асосларини, жумладан Ca^{2+} гомеостази бузилишларини ҳамда хужайра ўлимининг молекуляр механизмларини аниқлаш муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотлар ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ вазифалари белгилаб берилган, бу борада сут эмизувчилар хужайраларида поли-Ф лар ролини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки ушбу фундаментал

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

натижалар келажакда турли касалликларни даволаш учун янги ёндашувлар ва усулларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 01-ноябрдаги ПҚ-3365 «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Биология, биотехнология, тупроқшунослик, сув масалалари, генетика, ўсимликлар селекцияси масалалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поли-Ф дастлаб XX асрда аниқланган бўлишига қарамадан, бироқ ушбу молекулаларнинг функциялари ҳақидаги хисоботлар фақат сўнгги йиллардагина қайд қилинмоқда.

Ушбу давр давомида поли-Ф қоннинг коагуляцияси ва яллиғланиш (Morrissey J. 2017), ҳужайралар пролиферацияси (Jimenez-Nunez M. D. 2012), ангиогенез (Han K. Y. 2007), ҳужайралар биоэнергетикаси (Pavlov E. 2010), ион каналларининг фаоллиги регуляцияси (Kim D. 2007, Zakharian E. 2009), оксилларнинг фосфорланиши (Azevedo C. 2015), оксил молекулаларининг йиғилиши (Cremers C. M. 2016, Gray M. J. 2014) ва бошқалар, бироқ поли-Ф функциясининг кўпгина механизмлари ҳалигача аниқланмаган. Охирги йилларда поли-Ф ҳужайра даражасида функциясини ўрганишда, уларнинг таҳлил қилишда замонавий флуоресцент усуллари ишлаб чиқилганлиги сабабли, кўринарли ютуқларга эришилган (Aschar-Sobbi 2008, Angelova 2014). Ҳозирги вақтгача сут эмизувчилар ҳужайраларида поли-Ф синтезига жавобгар ферментлар аниқланмаганлигига қарамадан, поли-Ф синтезланиши тахмин қилинувчи жой митохондриялар ҳисобланиши ва поли-Ф миқдори митохондрияларнинг нафас занжирининг функционал ҳолатига боғлиқлиги тасдиқланган (Pavlov E. 2010).

МДХ давлатлари миқёсида ноорганик полифосфатларнинг функцияларини тадқиқ қилишда МДУ ва РФА Биокимё ва Микроорганизмлар физиологияси институтида (Пушино ш.) юқори молекуляр полифосфатлар биокимёси соҳасида 50 йилдан ортиқ тадқиқотлар тажрибасига эга бўлган проф. Игор Степанович Кулаев (РФА муҳбир аъзоси) гуруҳи асосий хизмат кўрсатган, бироқ бу гуруҳ асосан поли-Ф ни прокариотлар ва тубан эукариотлар даражасида тадқиқ қилишга ихтисослашган.

Ўзбекистон республикасида ҳайвонлар ҳужайраларида ноорганик полифосфатларни тадқиқ қилиш амалга оширилмаган. Юқорида таъкидлаб

ўтилганларга боғлиқ ҳолатда, сут эмизувчилар ҳужайраларида ноорганик полифосфатларнинг функцияларини тадқиқ қилиш сўзсиз равишда қизиқиш ўйғотади ва долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг Ф–5–06 «Айрим биорегуляторларнинг таъсир механизмарини ўрганиш» фундаментал лойиҳаси (2012–2016); Юқори технологиялар ўқув–тажриба Марказининг Ф–5–001 «Ноорганик полифосфатларнинг сут эмизувчилар ҳужайраларида метаболизм регуляциясидаги роли» Ёш олимлар фундаментал лойиҳаси (2016–2017); Биоорганик кимё институтининг ФА–Ф5–Т080 «Ҳажм ўзгариши орқали фаоллашувчи анион транспортининг молекуляр физиологияси ва биофизикаси» лойиҳаси (2012–2016); Лондон Университети Коллежи Неврология институтида (Лондон, Англия) проф. Абрамов А.Ю. лабораториясида RPG–2012–447 The Leverhulme Trust гранти кўмагидаги «Novel properties of phylogenetically ancient molecule in the mammalian cells» лойиҳаси (2010 – 2012); Далхауз Университетининг Физиология ва Биофизика бўлимида (Галифакс, Канада) доктор Павлов Е.В. лабораториясида «Molecular regulation of the permeability transition pore» мавзусидаги илмий лойиҳалар (2014) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноорганик полифосфатларнинг сут эмизувчилар ҳужайраларидаги ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда F_1F_0 АТФ–аза фаоллигига таъсирини тадқиқ қилиш;

ноорганик полифосфатларнинг митохондриялар мембранасининг турли хил ионлар учун ўтказувчанлигига таъсирини тадқиқ қилиш;

ноорганик полифосфатларнинг митохондриялар мегаканали (РТР) шаклланиши/активациясига таъсирини тадқиқ қилиш;

ноорганик полифосфатлар ва кальций таъсирида РТР нинг фаоллашишига паст осмотик босимнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

ноорганик полифосфатларнинг марказий нерв тизими (МНТ) ҳужайраларида кальций гомеостазига таъсирини тадқиқ қилиш;

ноорганик полифосфатларнинг МНТ да сигналлар узатилишида иштирокини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти каламуш бош мия катта ярим шарлари, гиппокамп ва ўрта мия нейронлари ва астроцитларининг бирламчи со–культуралари, шунингдек каламуш жигаридан ажратиб олинган митохондриялар ва субмитохондриял қисмлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда АТФ синтетаза, РТР функцияси билан боғлиқ бўлган жараёнларга ва шунингдек, МНТ ахборотларнинг узатилиши жараёнларида иштирокини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Барча тажрибалар маълумотларни компьютерда йиғиш ва қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолатда, флуоресцент, конфокал ва электрон микроскопия, флуориметрия, спектроскопия, липид қўшқаватини (ЛҚҚ) шакллантириш, полярография, ферментатив фаолликни қайд қилиш, митохондрия ва хужайраларни ажратиш, хужайралар бирламчи со– культураларини олиш, шунингдек турли хил статистик услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда F_1F_0 АТФ синтетаза фаоллигига таъсири ва бунда поли–Ф ушбу фермент учун олдин идентификацияланмаган субстрат бўлиши мумкинлиги аниқланган;

ноорганик полифосфатлар деэнергияланган шароитда митохондрия ички мембранасининг кальций ва барий ионлари учун нофаол ўтказувчанлигини модуляциялаши ҳамда бу таъсир митохондрия мегаканали (РТР) классик ингибиторларига боғлиқлиги, бунда деэнергияланган интакт митохондрияларда кальций ионлари қўшимча қўшилмаган шароитда ноорганик полифосфатлар физиологик концентрацияларда (25–50 μ М) митохондрия мегаканалини (РТР) фаоллаштириши аниқланган;

гипоосмотик шароитда митохондрияларнинг ички мембранаси структураси «енгил бўқиш» ҳисобига қайтар тавсифда ўзгариши ва бу митохондрияларнинг кальций буфери сиғими ортишига ҳамда митохондрия мегаканалининг (РТР) ингибирланиши олиб келиши, бироқ аксинча ноорганик полифосфатлар таъсирида унинг нисбатан самарали фаоллашиши аниқланган;

ноорганик поли-Ф олдин аниқланмаган гилотрансмиттерлар - астроцитларда $P2Y_1$ типдаги пуринорецепторлар орқали ахборот ташувчилари эканлиги ишончли тарзда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади:

поли–Ф мавжуд шароитда митохондрияларда F_1F_0 АТФ синтетазанинг АТФ–аза фаоллиги ортиши, шунингдек поли–Ф нинг бу таъсири ушбу ферментнинг асосий субстрати – АТФ мавжудлигига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

поли–Ф нинг митохондрия мембранаси орқали айрим бир ва икки валентли катионларнинг нофаол транспортига таъсири, шунингдек поли–Ф нинг митохондрияларда турли хил транспорт тизимлари функциясига боғлиқ таъсири тадқиқ қилинган;

ингибиторли таҳлил ёрдамида поли–Ф нинг митохондрия мембранаси ўтказувчанлигига таъсири митохондрия мегаканали фаоллашиши билан боғлиқлиги ва шунингдек, бу фаоллик митохондрияга цитоплазмадан кальцийнинг кириши билан боғлиқ эмаслиги аниқланган;

паст осмотик босим ва митохондрия мегаканалининг кальций ионлари ҳамда ноорганик полифосфатлар таъсирида фаоллашиши ўртасидаги боғлиқлик тизимли тарзда тадқиқ қилинган. Паст осмотик босим митохондрия ички мембранасининг букилганлик даражасини ўзгартириши,

шунингдек ушбу ўзгариш митохондрияларнинг биоэнергетик кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслиги аниқланган;

хужайра ташқарисидаги поли-Ф нинг каламуш миясининг учта соҳасидан – яъни, катта яримшарлар пўстлоғи, гиппокамп ва ўрта мия нейронлари ва астроцитлари со-культурасида кальций гомеостазида иштироки тадқиқ қилинган. Ингибиторли таҳлил ёрдамида астроцитларда ноорганик полифосфатлар ёрдамида хужайра ичидаги кальций концентрацияси ортиши жараёнлари асосида ишга тушувчи сигнал тизимлари аниқланган;

поли-Ф нинг кальций гомеостазига таъсири унинг астроцитлар ўртасида ахборот узатиш хусусиятига эгаллиги билан боғлиқлиги аниқланди. Тажрибалар вақтида поли-Ф астроцитларда тўпланиши аниқланди, бунда хужайра ичида кальций концентрацияси ортиши поли-Ф нинг астроцитлардан хужайра ташқарисидаги муҳитга чиқишига олиб келади; хужайра ташқарисида поли-Ф кўшни астроцитларнинг специфик рецепторлари билан боғланиш хосил қилади ва уларда кальцийга боғлиқ сигнализация жарёнларини ишга туширади, ушбу кўринишда ахборотнинг битта хужайрадан бошқасига тарқалишини таъминлайди. Хужайра ташқарисидаги поли-Ф яқин жойлашган нейронлар томонидан тутиб олинishi мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба натижалари замонавий лаборатория услублари ёрдамида олинганлиги, натижаларнинг статистик қайта ишланиши Стьюдент мезони ёрдамида бажарилганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг тасдиқланиши мутахассислар томонидан эксперт баҳоланиши, ушбу натижаларнинг республика ва халқаро миқёсда анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг рецензиядан ўтказилувчи етакчи журналларда нашр қилиниши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бу натижалар митохондриялар даражасида ноорганик полифосфатлар ҳақида мавжуд билимлар таркибини тўлдирди; тажриба йўли билан митохондрияларда F_1F_0 АТФ синтетазанинг ноорганик полифосфатлар метаболизмида иштирок этиш эҳтимоллиги кўрсатиб берилди; поли-Ф нинг митохондрия мегаканалли билан бевосита боғлиқлиги аниқланди ва митохондриялар ҳажми ўзгартирилишининг митохондрия мегаканаллининг кальций ва поли-Ф таъсирида фаоллаштирилишига таъсирида фундаментал механизмлар очиб берилди. Хужайра ташқарисидаги муҳит даражасида поли-Ф МНТ да сигнал молекуласи функциясини бажариши мумкинлиги ва астроцитлар ўртасида сигнал узатиши тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бу натижаларнинг ишемия-реперфузия, турли хил нейродегенератив касалликлар ва бошқа турли хил касалликлар шароитида митохондрия мегаканаллининг назорат қилиб бўлмайдиган тарзда фаоллашиши билан боғлиқ хужайранинг нобуд бўлишини бошқаришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос

сифатида хизмат қилишида ўз ифодасини топади. Биз поли-Ф физиологик концентрацияларда ушбу поранинг активатори ҳисобланишини асосладик, олдин поли-Ф мавжуд бўлмаган шароитда митохондрияларда поранинг кальций ионлари таъсирида фаоллашмаслиги қайд қилинган, яъни поли-Ф РТР нинг зарурий таркибий қисми ҳисобланиши тасдиқланди. Ҳозирги кунда РТР нинг кўп сондаги ингибиторлари мавжуд бўлишига қарамасдан, улардан кўпчилиги клиник синовлардан ўтмаган, яъни РТР нинг назорат қилиб бўлмайдиган тарздаги очилиши ҳисобига ҳужайраларнинг нобуд бўлишини сусайтириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шундай қилиб, олинган натижалар тиббиёт амалиётида, масалан поли-Ф миқдорининг регуляцияси РТР нинг ишемик инфаркт, ишемик инсульт, Паркинсона касалликлардаги назорат қилиб бўлмайдиган тарздаги очилиши таъсирида ҳужайраларнинг нобуд бўлиши масаласини ҳал қилишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сут эмизувчиларнинг ҳужайраларида ноорганик полифосфатларнинг регуляторлик ва метаболик роли бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ноорганик полифосфатларнинг $P2Y_1$ пуринорецепторлар орқали ҳужайра ичида кальций концентрацияси ошириши юқори импакт-факторга эга хорижий журналларда поли-Ф нинг яллиғланиш жараёнларида иштирок этиш механизмларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Blood 2014, V.123, Scopus CiteScore – 7.21; Journal of Thrombosis and Haemostasis 2015, V.13, Scopus CiteScore - 3.85; Molecular Cell 2016, V.63, ResearchGate IF - 10.54). Натижада олинган илмий натижалар айрим жараёнларда поли-Ф ларнинг функция бажариш механизмларини очиш имконини берган;

ноорганик полифосфатлар олдин идентификацияланмаган глиотрансмиттерлар ҳисобланишини кўрсатувчи илмий натижалар юқори импакт-факторга эга хорижий журналларда астроцитларда ахборотларнинг тарқалиши сигнал йўллари тавсифлашда фойдаланилган (Nature Neuroscience 2016, V. 19, Scopus CiteScore – 13.31; Molecular Cell 2014, V.53, ResearchGate IF - 5.65; Glia 2018, V. 66, Scopus CiteScore - 6.33). Натижада илмий натижалар МНТ да астроцитлар ўртасида ахборотларнинг узатилиши тизими ҳақида билимларни кенгайтириш имконини берган;

ноорганик полифосфатлар митохондрия мембранаси ўтказувчанлигига таъсир қилишини ва бу ўтказувчанлик митохонрия мегаканалининг фаоллашиши билан боғлиқлигини кўрсатувчи илмий натижалар юқори импакт-факторга эга хорижий журналларда митохондрия мегаканалининг активаторларини тавсифлашда фойдаланилган (Aging Cell 2017, V.16, Scopus CiteScore - 7.21; International Journal of Molecular Sciences 2017, V.18, Scopus CiteScore – 3.86; Tumor biology 2017, V.39, Scopus CiteScore – 3.27). Илмий натижалардан фойдаланиш РТР структурасини тавсифлаш, шунингдек ҳужайранинг нобуд бўлишининг янги йўллари тавсифлаш имконини берган;

ноорганик полифосфатлар бош миёда сигналлар узатилишида иштирок этишини кўрсатувчи илмий натижалар Нью-Йорк университетиде ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда кальцийга боғлиқ сигнализациядаги

ролини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда фойдаланилган (Нью–Йорк университетининг 2018 йил 4 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш митохондрияларда поли-Ф ролини аниқлашда янги йўналиш шакллантириш имконини берди;

гипоосмотик шароит митохондрия мегаканалининг (РТР) фаоллигини бошқариш хусусиятига эғалигини кўрсатувчи илмий натижалар Лондон университети коллежи Неврология институтида молекуляр неврология бўлимида нейродегенерация ривожланишида РТР нинг иштирокини аниқлашда фойдаланилган (Неврология институтининг 2018 йил 28 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш олигомер α -синуклеин билан РТР фаоллаштиришини интерпретация қилишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иши чоп этилган, шулардан Springer нашриётида китобнинг 1 боби, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сут эмизувчилар ҳужайраларидаги ноорганик полифосфатлар» деб номланган биринчи бобида ноорганик полифосфатларга бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган – жумладан, уларнинг тарқалиши, детекция қилишнинг замонавий услублари, поли-Ф метаболизмида иштирок этувчи ферментлар, шунингдек ҳужайраларда турли хил жараёнларда поли-Ф иштироки тавсифланган. Митохондрияларда жараёнларда поли-Ф нинг иштирокига, ион каналларининг модуляциясига ва ҳужайрали шаперонларнинг ролини бажариш қобилятига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «Митохондриялар ва уларнинг функциялари» деб номланган иккинчи бобида митохондрияларда F_1F_0 АТФ синтетаза ва митохондрия мегаканалининг (РТР) тузилиши ва функциясига ва шунингдек,


улар ўртасидаги боғлиқликка урғу берилган ҳолатда, митохондриялар ҳақидаги замонавий тасаввурлар баён қилинган. 2013-йилда РТР нинг асосий компоненти F_1F_0 АТФ синтетазадир, деган янги гипотеза пайдо бўлди. Ўша вақтдан буён адабиётда ушбу фаразни тасдиқловчи 50 дан ортиқ илмий нашриётлар пайдо бўлди, аммо бу ферментнинг РТР шаклланишида рол ўйнаётганини кўрсатадиган ишлар мавжуд.

Диссертациянинг «Марказий нерв тизимида ахборотларнинг узатилиши» деб номланган учинчи бобида МНТ да ахборотларнинг узатилиши механизмлари ҳақидаги умумий ва шунингдек, пуринергик сигнал тизими мисолида бу сигналларни узатиш тизимининг турли хужайралардаги иштироки ва баъзи патологиялар мисоллари батафсил адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Митохондриал ва хужайра жараёнларига ноорганик полифосфатларнинг таъсирини баҳолаш усуллари» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот услублари, ишда фойдаланилган қурилмалар, асбоб–ускуналар, биологик, физик–кимёвий ва статистик таҳлил услублари тавсифланган. Ишларинг кўпчилиги флуоресцент спектроскопиясига, шунингдек, флуоресцент микроскопия (тасвир) га асосланган усуллар ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг бешинчи «Ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда жараёнларда иштироки» деб номланган бешинчи бобида ноорганик поли-Ф митохондрияларда F_1F_0 АТФ синтетаза ва мегаканал билан боғлиқлигини кўрсатиб берувчи олинган натижалар келтирилган.

Ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда F_1F_0 АТФ–аза фаоллигига таъсири. Олдин амалга оширилган тадқиқотларда митохондрияларда АТФ–синтетаза поли-Ф синтезида иштирок этиши мумкинлиги тахмин қилинган. F_1F_0 АТФ–синтетазанинг поли-Ф синтези/гидролизи жараёнларида иштироки ҳақидаги ушбу гипотезани текшириш учун, биз ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда F_1F_0 АТФ–аза фаоллигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар сериясини амалга оширдик.





1–расм. Турли хил даражада полимерланишга эга бўлган ноорганик полифосфатларнинг каламуш жигари митохондрияларида АТФ синтетазанинг АТФ–аза фаоллигига таъсири.

А, Б. 1 мМ поли-Ф ва 1 мМ АТФ мавжуд шароитда ферментнинг АТФ-аза фаоллигини ифодалайди. Бунда Н – назорат; Н-АТФ – 1 мМ АТФ мавжуд шароитдаги назорат; поли-Ф – тизимда фақат 1 мМ поли-Ф мавжуд; поли-Ф* – тизимда 1 мМ поли-Ф ва 1 мМ АТФ мавжуд. А малг

а
оширилган тажрибалар давомида таркибида 14, 60 ва 130 та ортофосфат кислота қолдиғи мавжуд бўлган барча 3 та турдаги поли-Ф (поли-Ф, поли-Ф 60 ва поли-Ф 130) 1 мМ концентрацияда кўшилганда инкубация муҳитининг кислоталилиги ортиши аниқланди, яъни ушбу шароитда F₁F₀ АТФ-азанинг асосий субстрати – АТФ мавжуд бўлмаган ҳолатда поли-Ф митохондрияларда F₁F₀ АТФ-аза фаоллигини оширади (1А,Б-расм). Тизимда бир вақтда АТФ ва поли-Ф мавжуд шароитда кислоталаниш тезлиги яна ҳам ортади, бунда АТФ – Н-АТФ назоратга нисбатан ўртача 20,4% га ортиши аниқланди (1А, Б-расм), яъни АТФ нинг таъсири поли-Ф таъсири билан йиғинди кўринишда ифодаланади.

Олинган натижаларни митохондрияларда F₁F₀ АТФ-аза поли-Ф дан субстрат сифатида фойдаланиш хусусиятига эгаллиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, биз таркибида тўлиқ митохондрия ферментлари «тўплами» мавжуд бўлган, субмитохондриял қисмлар билан ишладик ва бунда энергия ва ноорганик фосфат донори сифатида АТФ дан фойдаланиб, АТФ синтезловчи қандайдир номаълум фермент учун поли-Ф субстрат сифатида хизмат қилиши эҳтимоллиги ҳам мавжуд, бу ҳолатда АТФ якуний ҳолатда F₁F₀ АТФ-аза таъсирида парчаланади. Бироқ бу усул субстрат миқдорини ортиқча бўлишини назарда тутаяди, яъни бу ҳолатда ферментатив реакциясини тезлиги АТФ концентрациясига боғлиқмас. Бироқ, тизимда бир вақтнинг ўзида АТФ ва поли-Ф мавжуд шароитда агар F₁F₀ АТФ-аза поли-Ф ни бевосита парчаласа, ушбу 2 субстрат ферментнинг боғланиш хосил қилувчи жойига конкурент типда таъсир кўрсатиши қайд қилинади.

Ноорганик полифосфатларнинг митохондрияларда ионлар транспортига таъсири ва уларнинг митохондрия мегаканали феноменидаги иштироки. Поли-Ф нинг функциясидаги қизиқарли жиҳатлардан бири – бу, унинг РТР ҳодисасида иштироки ҳисобланади, бироқ поли-Ф нинг митохондриялар мембраналарининг ўтказувчанлигини ўзгартириши ёки бевосита тўғридан-тўғри РТР га таъсир кўрсатиши орқали РТР ҳодисасида иштирок этиши ноаниқлигича қолмоқда. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, биз поли-Ф нинг митохондрияларда ионлар транспорти ва РТР фаоллашишидаги ролини ўрганиш бўйича тажрибаларни амалга оширдик.



2-расм. Поли-Ф дезэнергияланган шароитда митохондриялар индукцияланган бўқишини келтириб чиқариши. **А.** 5 мкМ поли-Ф мавжуд шароитда 60 таъсирида митохондрияларнинг бўқиши. **Б.** Поли-Ф


H таъсирида юзага келтирилган митохондрияларнинг бўкишининг танлаб таъсир кўрсатувчанлик оорг хусусияти. ** $p \leq 0,01$.

аник полифосфатлар дезэнергияланган митохондрияларда кальций ва барийнинг нофаол транспортини модуляцияси. Поли-Ф нинг митохондрияларда нофаол ўтказувчанликка таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларда барча учта турдаги поли – Ф (поли-Ф 14, поли-Ф 60 ва поли-Ф 130) таркибида $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ва $\text{Ba}(\text{NO}_3)_2$ мавжуд бўлган муҳитда митохондрияларнинг бўкишини сезиларли даражада ошириши аниқланди, бироқ таркибида турли хил бир валентли катионлар ва магний ионлари мавжуд бўлган муҳитларда бу таъсир қайд қилинмайди (2А,Б–расм).


Поли-Ф таъсирининг табиатини аниқлаш учун, биз митохондрияларда айрим транспорт тизимларининг ингибиторларидан фойдаландик. Ингибиторлар қўлланилган барча тажрибалар $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ мавжуд муҳитда амалга оширилди. Шундай қилиб, поли-Ф эҳтимол, РТР ни фаоллаштириши орқали митохондрияларда бўкишни ишга тушириши қайд қилинади. Бироқ, бу таъсир иккиламчи тавсифга эга бўлиши, яъни кальций унипортёрнинг билвосита фаоллашиши ҳамда митохондрияларга кальцийнинг кириши орқали амалга ошиши ҳам мумкин (3–расм).

Поли-Ф нинг эҳтимоллиги мавжуд бўлган, бевосита мембранага таъсирини текшириш учун биз суъний липид кўшқаватли мембрана (ЛҚМ) билан тажрибаларни амалга оширдик. Тажрибалар кўрсатишича, учта турдаги поли-Ф 50–100 мкМ концентрацияда қўшилганда мембрана ўтказувчанлиги ортишини юзага келтирмайди. Поли-Ф нишонларини идентификациялаш учун биз интакт митохондриялар билан тажрибаларни амалга оширдик.

Ноорганик полифосфатлар мустақил равишда интакт дезэнергияланган митохондрияларда митохондриал мегаканалнинг очилишини фаоллаштириши. Тажрибалар натижалари кўрсатишича, турли хил даражада полимерланишга эга бўлган поли-Ф 5 мкМ концентрацияда мустақил ҳолатда митохондрияларнинг бўкишини юзага келтирмайди. Бироқ, ушбу концентрацияда поли-Ф 60 ва поли-Ф 130 кальций ионлари таъсирида РТР индукцияси шароитида бўкиш тезлиги ва амплитудасини ошириши аниқланди. Поли-Ф концентрациясининг 25–50 мкМ гача оширилиши тизимга кальций ионлари қўшилмаган ҳолатда ҳам митохондрияларнинг бўкишига олиб



3-расм. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ мавжуд шароитда поли-Ф таъсирида юзага келтирилган митохондрияларнинг бўкишининг ингибиторли таҳлили ** $p \leq 0,01$




4-расм. Поли-Ф РТР фаоллаштириши

келиши аниқланди (4–расм). Деэнергияланган шароитда олинган натижаларни тасдиқлаш учун, биз энергияланган шароитда турли хил ингибиторлар мавжуд ҳолатда интакт митохондрияларни поли–Ф билан фаоллаштириш тажрибаларини амалга оширдик. Бунда ЦсА (n=6), БК (n=3) (4–расм) ва АДФ (n=7) поли–Ф таъсирини тўлиқ сусайтириши аниқланди, олигомицин А (n=6) ва CGP37157 (n=6) эса – деэнергияланган ва шунингдек, энергияланган шароитда ҳам поли–Ф таъсирида юзага келтирилган бўқишга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги кузатилди.

Шундай қилиб, ташқаридан қўшилган ноорганик полифосфатлар РТР ни фаоллаштириш хусусиятига эга ҳисобланишини аниқладик. Поли–Ф паст концентрацияда кальцийнинг фаоллаштирувчи таъсирини кучайтириши, нисбатан юқори концентрацияларда тизимга кальций ионларининг қўшича киритилишисиз, мустақил ҳолатда РТР ни фаоллаштириши аниқланди. Олдин амалга оширилган тадқиқотларда поли–Ф мавжуд бўлмаган шароитда кальций ионлари таъсирида РТР фаоллашиши деярли мумкин эмаслиги қайд қилинганлигини (Abramov et al. 2007) ҳисобга олиб, кальцийнинг ўзи фақатгина РТР нинг поли–Ф таъсирига нисбатан мойиллик пағонасини пасайтириши, РТР нинг фаоллашиши учун зарурий кофактор ҳисобланмаслигини тахмин қилиш мумкин.

Паст осмотик босимнинг митохондрия мегаканалининг кальций ва поли–Ф таъсирида фаоллашишига таъсири ҳамда бунда F_1F_0 АТФ синтетазанинг иштироки. Митохондрияларда АТФ синтетаза асосан, димер шаклида мавжуд бўлиши олдиндан маълум бўлиб, ушбу ферментнинг димеризацияси жараёнида мембранада маҳаллий букилиш соҳалари юзага келади, кенг кўламда бу жараён кристалларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳозирги кунда F_1F_0 АТФ–синтетаза димерлари ва F_1F_0 АТФ синтетаза комплесининг F_0 суббирлиги бевосита РТР шаклланишида иштирок этиши тасдиқланган. Шундан келиб чиқиб, АТФ синтетаза димерлари РТР шаклланишида муҳим роль ўйнаши, димерларнинг шаклланиши эса – мембранада букилишлар ҳосил бўлишига олиб келиши асосида биз, митохондрия мембранасидаги маҳаллий букилишлар РТР нинг меъёрий функция бажаришида зарурий атрибут ҳисобланишини тахмин қилдик. Ушбу гипотезани текшириш учун, биз митохондрияларнинг «енгил бўқиши» орқали мембрана эгриланишини ўзгартирдик ва ушбу шароитда кальций ҳамда поли–Ф таъсирида РТР ни юзага келтирдик.


Паст осмотик босим шароитида РТР фаоллиги. Назоратда инкубация муҳитининг (ИМ) меъёрий осмотик босими (300 мОсм) шароитида $62,5 \pm 4,5$ мкМ Ca^{2+} қўшилиши РТР нинг очилиши ва митохондриядан ташқи муҳитга чиқувчи кальций ионларининг тўпланиши учун етарли ҳисобланади (5А–



5–расм. Паст осмотик босим митохондрияларда кальций буфер сифимининг ўзгариши. 15

расм). ИМ осмотик босимининг навбатдаги камайтирилиши кўрсатишича, ИМ осмотик босимининг маълум аниқ қийматгача ҳар сафар 25% га камайтирилишида, Ca^{2+} БС ортиши ва мос равишда, РТР ўртача $36 \pm 2\%$ га ингибирланиши аниқланди (5 Б–расмдаги K_2). Бироқ, митохондриялар паст осмотик босимли ИМ (150 мОсм) билан инкубацияланиши, кейин эса – ИМ осмотик босими қиймати меъёрий қийматгача (300 мОсм) келтирилиши шароитида митохондрияларда Ca^{2+} БС кўрсаткичи нафақат назорат қийматига қайтиши, балки ҳатто бироз камайиши кузатилади, бу ҳолат эҳтимол мембрана архитектурасида пертурбация таъсирида юзага келган стресс ҳисобига қайд қилиниши мумкин (5 Б–расм, H_2). ИМ осмотик босими камайтирилишининг таъсири митохондрияларда оксидланишли фосфорланиш жараёнларига таъсир кўрсатмаслиги қайд қилинди. РТР нинг классик ингибиторлари ЦсА ва АДФ билан амалга оширилган тажрибалар натижалари кўрсатишича, паст осмотик босимнинг Ca^{2+} БС га таъсири АДФ мавжуд шароитда ҳам кузатилади, бунда ушбу таъсир ингибиторнинг ўзининг таъсири билан йиғинди кўринишда бўлиши кузатилади, бироқ бу ҳолат ЦсА мавжуд шароитда кузатилмайди.

Паст осмотик босимнинг поли-Ф таъсирида юзага келтирилган РТР га таъсири. Юқорида кўрсатилганидек, ноорганик полифосфатлар кальций ионларининг қўшимча қўшилишисиз шароитда РТР ни фаоллаштириш хусусиятига эга ҳисобланади. Паст осмотик босим (150 мОсм) шароитида амалга оширилган тажрибалар натижалари кўрсатишича, 100 мкМ поли-Ф таъсири нафақат ингибирланмаслиги, балки аксинча кучайиши қайд қилинади (6–расм). Паст осмотик босимга (150 мОсм) эга муҳитда бўкиш тезлиги $53,4 \pm 10,4\%$ га ортиши кузатилади, яъни бунда 150 мОсм осмотик босимда ўлчанаётган кўрсаткич ҳам 50–65% диапазонда ўзгаради, бу ҳолат митохондрияларда Ca^{2+} БС бўйича олинган натижаларга мос келади, бироқ бунда таъсир қарама–қарши тавсифга эга ҳисобланади – яъни, РТР фаоллашиши мувафакқиятлироқ амалга ошади.



6–расм. Гипосомотик шароитда поли-Ф таъсирида РТР фаоллашиши.

Ҳозирги кунда Ca^{2+} таъсирида юзага келтирилган РТР ва унинг паст осмотик босим шароитида поли-Ф таъсирида фаоллашишининг аниқ механизмларини тахмин қилиш мураккаб масала ҳисобланади. Бу таъсирларнинг келиб чиқиши сабаблари сифатида биз бир нечта эҳтимоллиги мавжуд бўлган тахминларни келтириб ўтаемиз:


1) Митохондрияларнинг енгил тарзда бўкиши АТФ синтетаза димерлари ўртасидаги оралик масофа ортишига олиб келади ва бу ҳолат РТР нинг меъёрий функция бажаришида эҳтимол муҳим таркибий қисм ҳисобланувчи АТФ синтетаза димерлари архитектурасининг ўзгаришини белгилаб беради;

2) Мембрана архитектурасида пертурбация ва унга боғлиқ ҳолатда амалга ошувчи АТФ синтетаза димерлари конформациясининг ўзгаришлари


СуРD нинг РТР га аффинлик даражаси камайишига олиб келади, бу ҳолат ЦсА фонида таъсирнинг мавжуд эмаслиги ва Ca^{2+} БС ортишини изоҳлаб беради;

3) АТФ синтеза димерлари ўртасидаги масофа ортиши поли-Ф нинг РТР шаклланиш жойига осонлик билан кириб боришига олиб келади, бу ҳолат полимернинг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Ноорганик полифосфатларнинг сигнал хоссалари**» деб номланган олтинчи бобида ноорганик полифосфатларнинг сут эмизувчиларнинг марказий нерв тизимида сигнал узатилишида иштироки тавсифланган. Поли-Ф ва АТФ структураси ўхшашлиги ҳар доим поли-Ф нинг сут эмизувчилар ҳужайраларида АТФ га ўхшаш функция бажариши мумкинлиги ҳақидаги масала илгари сурилган. АТФ мияда сигнал узатилишида иштирок этувчи молекула бўлиб, P2Y ва P2X рецепторлар стимуляцияси орқали кўпгина жараёнлар регуляция қилинади. АТФ ва поли-Ф структурасининг катта ўхшашликка эгалigidан келиб чиқиб, шунингдек мияда поли-Ф етарлича даражада катта концентрацияда бўлиши асосида, биз поли-Ф МНТ да сигналлар узатилишида иштирок этиши мумкинлигини тахмин қилдик.



7- расм. Поли-Ф нейронлар ва астроцитлар Ca^{2+} га боғлиқ жавобини юзага келтиради.




Ноорганик полифосфатлар астроцитларда кальцийга боғлиқ сигнал. Маълумки, нерв хужайраларининг маълум вақтда қўзғатилиши хужайра ичидаги Ca^{2+} концентрациясига боғлиқ. Биз поли-Ф бош мияда аниқланган концентрацияларда (25–120 мкМ) нерв хужайраларида хужайра ичидаги кальций концентрациясига таъсир кўрсатиши мумкинлигини тахмин қилдик. Тажрибалар учун каламушнинг бош миясининг учта бўлиmidан – яъни, бош мия катта яримшарлари пўстлоғи, гиппокамп ва ўрта мия нейронлари ва астроцитлари бирламчи со-культурасидан фойдаландик. Бунда хужайра ичида Fura 2 кальций зонди ёрдамида аниқлаш асосида, поли-Ф қўшилиши астроцитларнинг кўп қисмида ва фақат 3% нейронларда (n=120) хужайра ичидаги кальций концентрациясини ошириши аниқланди (7-расм). Поли-Ф концентрацияси ва тури кальцийли жавобнинг амплитудасига сезиларли таъсир кўрсатмайди, бироқ поли-Ф таъсирида кальцийли жавоб ишга тушган астроцитларда концентрацияси ва поли-Ф узунлигига боғлиқ ҳолатда, кальцийли сигнал 19 дан 74% гача вариацияланиши қайд қилинди.

8- расм. ЭР нинг бўшани астроцитларда поли-Ф таъсирини тўлиқ сусайтиради.

Кальций цитоплазмага хужайрлараро бўшлиқдан кириши ёки хужайра ичидаги деполардан чиқиши мумкин. 0,5 мМ ЭДТА мавжуд шароитда инкубация муҳитидан кальцийнинг олиб ташланиши поли-Ф таъсирида юзага келтирилган кальцийли жавобга таъсир кўрсатмайди. Ўз навбатида, SERCA нинг специфик ингибитори – тапсигаргин (1 мкМ) билан амалга оширилган тажрибалар натижалари кўрсатишича, поли-Ф қўшилиши астроцитларда цитоплазматик кальцийнинг ортишини юзага келтирмайди, бу ҳолат поли-Ф таъсирида кальций миқдорининг ортиши эндоплазматик ретикулумдан (ЭР) чиқиши ҳисобига амалга ошишини англатади (8-расм; n=101).

Ингибиторли таҳлиллар кўрсатишича, кальцийли жавоб фосфолипаза ингибитори – С U73122 (5 мкМ) ва кенг спектрдаги таъсирга эга бўлган, пуринорецепторлар ингибитори – сураминга (500 мкМ) боғлиқ ҳисобланади (9-расм). Навбатдаги тажрибалар кўрсатишича, поли-Ф бевосита P2Y_1 пуринорецепторга таъсир кўрсатади ва бу унинг специфик ингибитори – MRS2279 (50 мкМ) қўллаш ёрдамида тасдиқланди (9-расм). Поли-Ф нинг таъсири АТФ нинг қандайдир чиқишлари билан боғлиқ эмас, яъни хужайраларнинг АТФ ни парчаловчи апираза (25 U ml⁻¹) ва гексокиназа (25 U



мл⁻¹) каби ферментлар олдиндан инкубацияланиши расм) поли-Ф таъсирида юзага келтирилган кальцийли сигнал

9- расм. Астроцитларда поли-Ф таъсирида юзага келтирилган кальцийли жавобининг ингибиторли тахрили. **p≤0,005; СД – сезиларсиз даражада

билан (9–

кайд

килинувчи хужайралар сони ва сигнал амплитудасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, хужайра ташқариси поли-Ф плазматик мембранада P2Y₁ рецепторлар билан боғланиши унга боғланган G оқсилнинг фаоллашиши ва ўз навбатида, фосфолипаза C активациясини келтириб чиқаради. Фосфолипаза C фаоллашиши таъсирида мембранада жойлашган IP₂ фосфолипиди IP₃ ва ДАГ га парчаланеди; бунда гидрофил тавсифга эга бўлган IP₃ мембранадан ажралади ва ЭР юзасида жойлашган IP₃ рецепторларни фаоллаштиради, натижада кальций каналлари очилади ва ЭР дан кальций концентрация градиенти бўйича цитоплазмага чиқарилади.


Поли-Ф – олдин тавсифланмаган глиотрансмиттер. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, поли-Ф МНТ да иш бажарувчи, олдин тавсифланмаган трансмиттер ҳисобланади, бироқ нейробиологлар орасида нейро– ёки глиотрансмиттер молекулалар куйидаги 4 та асосий мезонларга жавоб бериши умумий қабул қилинган:

- 1) молекула пресинаптик хужайрада синтезланиши талаб қилинади;
- 2) молекула ҳаракат потенциали вақтида битта хужайрадан ажралиши ва бошқа хужайра ҳаракат потенциалини юзага келтириши талаб қилинади;
- 3) трансмиттер специфик механизмлар ёрдамида пресинаптик тирқишдан ажралиши талаб қилинади;

ташқаридан кўшилганда молекула нерв хужайрасидан ажралувчи трансмиттер таъсирини такрорлаши талаб қилинади.

Хужайраларда поли-Ф ни DAPI флуоресцент бўёғи ёрдамида кузатиш мумкин. Тажрибалар натижалари кўрсатишича, DAPI муҳитида астроцитларда поли-Ф асосан, ядро, митохондриялар, лизосомалар ва везикулаларни эслатувчи цитоплазматик тузилмалар соҳаларида жойлашади. DAPI муҳитидаги нейронлар ва астроцитларнинг со–культурасига 50 мкМ поли-Ф кўшилиши астроцитлар ички қисмида DAPI–поли-Ф таъсирида юзага келувчи чакнашнинг кескин сусайишига, бир вақтнинг ўзида унинг хужайра ташқарисида ортишига олиб келади, бу бизга поли-Ф таъсирида астроцитлардан поли-Ф чиқиши амалга ошишини кўрсатади (10Б расм; n=22). Кальций ионофори – иономицин (1 мкМ) кўшилиши ҳам астроцитлардан поли-Ф ажралишини юзага келтиради, бундан хулоса қилиш мумкинки, астроцитлардан поли-Ф ажралиши механизми кальцийга боғлиқ табиатга эга ҳисобланади (10А–расм; n=29). Навбатдаги тажрибаларда астроцитлардан поли-Ф нинг чиқиши яқин соҳада жойлашган нейронларда поли-Ф концентрациясининг ортиши билан амалга ошиши аниқланди (10Б–расм; нейронлар учун n=32 ва астроцитлар учун n=39). Бу тажрибалар натижалари нейронларнинг астроцитлардан чиқувчи поли-Ф ни тутиб қолиш хусусиятига эгаллигини кўрсатади. Шундай қилиб, мембрананинг ўзи поли-Ф учун ўтказувчан хусусиятига эга эмас, тахмин қилиш мумкинки, хужайра


ташқарисидан нейронларнинг поли-Ф ни тутиб қолишининг махсус механизми мавжуд ҳисобланади.



10-расм. Бош мия хужайраларида поли-Ф нинг ажралиши ва тутиб қолиниши.

Битта хужайрадан ажралувчи ноорганик полифосфатлар ахборотни қўшни хужайраларга узатиш хусусиятига эга ҳисобланади. Астроцитлардан поли-Ф ажралиши механизми мавжудлиги аниқланганидан кейин, шунингдек унинг кальцийга боғлиқ табиатга эгаллиги қайд қилинганидан сўнгра, бизга битта хужайрадан ажралувчи поли-Ф қўшни хужайрада кальцийли сигнални ишга тушириши мумкин ёки мумкинмаслиги қизиқиш ўйғотди. Навбатдаги тажрибалар серияси учун ультрабинафша (УБ) нурланиш билан нурлантирилган фақат битта хужайра кальцийли сигналнинг ишга тушириш учун фото-сезгир Ca^{2+} -хелатор NP-EGTA фотолизидан фойдаланилди. Тажрибаларда хужайра NP-EGTA AM ва Fluo 4 AM кальций зондига туширилди. Тажрибалар натижалари кўрсатишича, битта хужайранинг нурлантирилиши шароитида Fluo 4 чақнаши интенсивлиги ва мос равишда, кальций концентрацияси қўшни хужайраларда ортиши аниқланди. УБ нур билан нурлантирилган хужайрада кальцийнинг ажралиши қўшни хужайраларда кальцийли жавобни ишга туширади ва бу жавоб АТФ нинг ажралишига боғлиқ эмаслиги аниқланди (11-расм). Ўз навбатида, сурамин ва MRS2279 таъсирида қўшни хужайралардаги кальцийли сигнал блокланди, бу ҳолат бизга УБ нур билан нурлантирилган хужайрада кальцийли сигналдан кейин айнан, поли-Ф ажралиши ва қўшни хужайраларда кальцийли сигнални

ишга туширишини кўрсатади. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, хужайранинг қўзғатилиши шароитида поли-Ф ажралиши амалга ошади, ўз навбатида қўшни хужайраларнинг $P2Y_1$ рецепторлари билан боғланиш хосил қилади ва ЭР дан кальцийнинг чиқишини ишга туширади; синаптик тирқишдан поли-Ф элиминацияси поли-Ф нинг яқин жойлашган нейронлар томонидан тутиб қолиниши ҳисобига амалга ошади. Шундай қилиб, поли-



11- расм. УБ нур билан нурлантирилган хужайралардан ажралган поли-Ф қўшни хужайраларда кальцийли сигнални ишга туширади

Ф трансмиттерларнинг барча 4 та мезонига мос келади ва ўз навбатида, уларни глиотрансмиттер деб номлаш мумкин (бунда асосан, астроцитлар поли-Ф га жавоб бериши қайд қилинади).

ХУЛОСАЛАР

1. Митохондрияларда F_1F_0 АТФ-аза ноорганик поли-Ф таъсирида фаоллашиши ва бу таъсир тизимда АТФ мавжудлигига боғлиқ эмас.

2. Ноорганик полифосфатлар деэнергияланган митохондрияларда Ca^{2+} ва Ba^{2+} учун (бирок Na^+ , K^+ , Cs^+ ва Mg^{2+} учун эмас) ўтказувчанликни оширади. Поли-Ф нинг нофаол транспортига кальций ионларини таъсири митохондрия мегаканалининг очик ҳолатига боғлиқ, лекин поли-Ф митохондрия мембранага тўғридан-тўғри таъсирига эмас, балки митохондрия мегаканалининг функционал ҳолатига боғлиқ, чунки поли-Ф кальций ионлари БЛМ ўтказувчанлигини ўзгартирмайди.

3. Ноорганик полифосфатлар 25–50 мкМ концентрацияда кальций ионларисиз шароитда энергияланган митохондрияларда мегаканални фаоллаштиради.

4. Паст осмотик босим кальций индуцирлаган РТРни (митохондрияларнинг кальцийли буфер сиғими ортиши ҳисобига) ингибирлайди, лекин, аксинча ноорганик полифосфатлар РТРни янада фаоллашишига олиб келади.

5. Ноорганик полифосфатлар физиологик концентрацияларда 74% дан кўпроқ астроцитларда ва 3% нейронларда хужайра ичидаги кальций миқдорини оширишини ишга тушириши аниқланди. Астроцитларда поли-Ф $P2Y_1$ типдаги пуринорецепторларга боғланиш хосил қилади ва эндоплазматик ретикулумдан кальцийнинг чиқишини таъминловчи IP_3 йўлини ишга туширади.

6. Ноорганик полифосфатлар $P2Y_1$ типдаги пуринорецепторларнинг агонисти бўлиб, мия астроцитларида бевосита сигналлаш функцияларини амалга ошириши мумкинлиги ва бунда МНС сигнал молекулаларнинг асосий мезонларига мос келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

БАЕВ АРТЁМ ЮРЬЕВИЧ

**РЕГУЛЯТОРНАЯ И МЕТАБОЛИЧЕСКАЯ РОЛЬ НЕОРГАНИЧЕСКИХ
ПОЛИФОСФАТОВ В КЛЕТКАХ МЛЕКОПИТАЮЩИХ**

03.00.02-Биофизика и радиобиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/В85

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ташмухамедов Бекжан Айбекович**
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты: **Мерзляк Пётр Григорьевич**
доктор биологических наук

Камбурова Венера Сейтумеровна
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальный университет Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871)262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

М.И.Асраров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Ш.У.Турдикулова

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее время в мире возрос интерес и соответственно увеличивается количество работ, направленных на выявление роли неорганических полифосфатов (поли-Ф) в клетках млекопитающих. Несмотря на то, что поли-Ф впервые были обнаружены еще в 19 веке, четко сформированные представления о их роли в клетках млекопитающих начали появляться лишь 12-14 лет назад. За этот период было показано, что поли-Ф участвуют во многих физиологических и патофизиологических процессах и являются неотъемлемой частью жизнедеятельности клетки. Отдельный интерес представляет их участие в развитии различных заболеваний. Было показано, что метаболизм поли-Ф меняется при различных сердечно-сосудистых и нейродегенеративных заболеваниях, однако является ли это причиной или следствием патологии остается неизвестным.

В настоящее время во всем мире стратегия создания новых эффективных лекарственных средств опирается на фундаментальные знания молекулярных механизмов функционирования клетки в нормальном состоянии и при патологии. В ряде последних работ было показано участие поли-Ф в активации митохондриального мегаканала (РТР), а также в транспорте ионов кальция. Неконтролируемая активация РТР и нарушения транспорта ионов кальция являются причиной клеточной смерти при различных заболеваниях. Соответственно выяснение молекулярных механизмов функционирования поли-Ф в различных физиологических процессах может дать ответ на актуальные вопросы касательно лечения, реабилитации или диагностики заболеваний при которых происходит неконтролируемая активация РТР или нарушение кальциевого гомеостаза, к которым в свою очередь относятся различные сердечно-сосудистые и нейродегенеративные заболевания.

В настоящее время в нашей стране уделяется особое внимание созданию отечественных препаратов оказывающих влияние на сердечно-сосудистые и нейродегенеративные заболевания, способные заменить их импортируемые аналоги. На основе программных мер, принятых в этом направлении, получены определенные результаты по поиску и разработке эффективных препаратов из местного сырья, где определение молекулярных механизмов запуска клеточной смерти ионами кальция занимают основополагающую роль. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ отмечается необходимость поощрения научно-исследовательской и инновационной деятельности, а также создания эффективных механизмов внедрения научных достижений в практику, в связи с чем определение роли поли-Ф в клетках млекопитающих приобретает важное научно-практическое значение, так как позволит обнаружить ранее

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан»

неизвестные аспекты патогенеза ряда заболеваний, что в дальнейшем приведет к разработке новых методов их лечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3365 от 1 ноября 2017 г. «О мерах по дальнейшему укреплению инфраструктуры научно-исследовательских учреждений и развитию инновационной деятельности», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

